# Аллоҳим, менга дўзахдан нажот бер

16:35 / 09.06.2020 5204

Саҳоба Муслим ибн Ҳорис Тамимий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу кишига шивирлаб: «Шом намозини ўқиб бўлсанг,

???????? ???????? ???? ????????

«**Аллоҳумма ажирни минан нар» (Аллоҳим, менга дўзахдан нажот бер), деб етти марта айт. Шуни айтган кечангда вафот этсанг, сенга дўзахдан омонлик ёзилади. Агар ана уни бомдод намозида айтсанг ва шу куни вафот этсанг, сенга дўзахдан омонлик ёзилади**», дедилар.

Абу Довуд ривоятлари.

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан***